

3rd MAY

2024



ISOC
INTERNATIONAL
SCIENTIFIC
ONLINE
CONFERENCES

zenodo

OpenAIRE



digital
object
identifier

OPEN



ACCESS

NETHERLANDS

INTELLECTUAL EDUCATION
TECHNOLOGICAL SOLUTIONS
AND INNOVATIVE DIGITAL TOOLS



info.interonconf@mail.ru

www.interonconf.org



ISOC
INTERNATIONAL
SCIENTIFIC
ONLINE
CONFERENCES



INTELLECTUAL EDUCATION TECHNOLOGICAL SOLUTIONS AND INNOVATIVE DIGITAL TOOLS

International scientific-online conference

Part 27

MAY 3rd

COLLECTIONS OF SCIENTIFIC WORKS

AMSTERDAM 2024

Дилрабо Қувватова Раҳима Шарипова ЧЎЛПОН ШЕЪРИЯТИДА ШАМОЛ ВА БУЛУТ ОБРАЗЛАРИ	66
Laylo To'rayeva O'ZBEK XALQ O'YINLARIDA "BOBODEHQON" KULTIGA OID QARASHLAR TALQINI	76
Umurova Nigina Raximovna Latipova Jasmina "QIZIL VA QORA" ROMANIDA INSON RUHIYATI TALQINI	85
Латипов Ҳаёт Рамазонович SHARQ ADABIYOTIDA IRFON IFODASI	96
Normurodov Jamshid Olimov Og'abek JAHON SAVDO TASHKILOTIGA A'ZO BO'LISHNING O'ZIGA XOS JIHATLARI	108
Niyozova I.N. Murodova Maftuna INTERNET MARKETINGDAN SANOAT KORXONALARI FAOLIYATIDA FOYDALANISHNING AHAMIYATI	115
Bakayeva Mohira Qo'ziyev Diyorbek AHOLINI BANDLIGINI TA'MINLASH VA YANGI ISH O'RINLARI YARATISHDA KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIKNING ZARURATI	120
Abdullayeva H.N. Murodov Sardor RAQAMLASHTIRISH- MAMLAKAT TARAQQIYOTNING MUHIM OMILI	125
Anvarova Zarina MAMLAKATIMIZDA SUG'URTA BOZORINI DAVLAT TOMONIDAN TARTIBGA SOLISHNING XORIJ TAJRIBASI	134
Abdullayeva H Samiyev M. AGROBIZNESDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARNI TAKOMILLASHTIRISH	140
Чориева Н.К. Равшанов Манучеҳр МАМЛАКАТИМИЗДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДАГИ	145

ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИ ВА ЭРИШИЛГАН ИСТИҚБОЛЛИ НАТИЖАЛАР	
Sharapova Nigina Kadirovna Botirov Bahridin BANK TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH: YANADA MUSTAHKAM MOLIYAVIY SEKTOR UCHUN STRATEGIYALAR	152
Rakhmonov SHukhrat IMPROVING THE BANKING SYSTEM: STRATEGIES FOR A STRONGER FINANCIAL SECTOR	160
Niyozova I.N. BYUDJET-SOLIQ SIYOSATINING MOHIYATI VA UNING AMAL QILISHI	167
Niyozova I.N. Sattorova Mohiya INFLATSIYANING MOHIYATI VA KELIB CHIQISH SABABLARI	175
Nigina Sharapova Kadirovna Sharipov Shaxzod KRIPTOVALYUTA - AN'ANAVIY BANK TIZIMIGA VA IQTISODIYOTGA TA'SIRI.	182
Ro'zimurodova Zarina Temirov Muxammadali O'ZBEKISTON IQTISODIYOTIDA XORIJIY INVESTITSIYALARNING O'RNI	186
Toirova Masuma Muhammedrizaevna Shamsiddinov Zafar KICHIK BIZNES VA XUSUSIY TADBIRKORLIK FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISHDA INNOVATION MARKETINGNING AHAMIYATI	193
Umarova Hulkar Umidulloyevna KORXONADA BANKROTLIK RISKLARINI BAHOLASHDA ULARNI TUZILISHI VA TURLARI, KELIB CHIQISH SABABLARI TAHLILI	199
M.Po'latova IQLIM O'ZGARISHI SHAROITIDA ATMOSFERA HAVOSINI IFLOSLANISH KO'RSATKICHLARI VA ULARNI XAVO NAMLIGA TA'SIRI.	203
Yoqubov Bobur Mamasobir o'g'li . Boymurodov Iskandar Amirqul o'g'li . Eshqurbonov Abdumurod Abdujalil o'g'li . Norqobilov Saydulla Soatmurod o'g'li . TEXNALOGIK JARAYONLARNI MODELASHTIRISHDA	207

МАМЛАКАТИМИЗДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИ ВА ЭРИШИЛГАН ИСТИҚБОЛЛИ НАТИЖАЛАР

Бухоро давлат университети Иқтисодиёт кафедраси

*ўқитувчиси **Чориева Н.К.***

Бизнесни бошқариш йўналиши

*2-босқич талабаси **Равшанов Манучеҳр***

Сўнгги йилларда соҳани барқарорлигини таъминлаш бўйича қабул қилинган кўплаб чора-тадбирлар, таркибий ислоҳотлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Ўтган йил давомида, жиддий муаммоларга қарамай, бизнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги тизимларимиз мустаҳкам ва барқарор

бўлиб қолмоқда. Бу эса шакланган сектор тажрибаси ҳамда таъминот занжири тузилмаларининг ишончлилигидан далолат беради. Пировардида, истеъмолчиларимиз учун кенг турдаги юқори сифатли, арзон қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларидан мунтазам фойдаланиш имконияти яратилмоқда.

Вазирлик қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 9-июлдаги 571-сон қарорининг 1-ИЛОВАСи билан белгилаб қўйилган. Ушбу ваколати доирасида вазирлик томонидан 2019-2023-йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасига доир 331 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Хусусан, 2023-йилда аграр ислоҳотларни такомиллаштириш бўйича 14 та қонун лойиҳаси, 17 та Президент Фармони лойиҳаси, 22 та Президент Қарори лойиҳаси, 91 та Ҳукумат Қарори лойиҳалари ишлаб чиқилиб, улардан 55 таси, жумладан 4 та Қонун, 8 та Президент Фармони, 16 та Президент Қарори, 26 та

Ҳукумат қарори норматив ҳужжатлар қабул қилинди

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади – “иқтисодий фойда кўриш билан бирга, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, халқ фаровонлигини оширишдан иборатдир”³⁴ ёки бу энг аввало қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyas-28-12-2018>.

ишчи-ходимларнинг ер участкаси, етиштирилаётган ҳосил, даромад ва мавжуд мулкка эгалик ҳуқуқларини қонуний жиҳатдан ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш; қишлоқ хўжалигида турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларидаги субъектларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ҳамда самарали барқарор фаолият кўрсатишларига эришиш; ички ва ташқи бозорга сифатли ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш; қишлоқ ҳудудларида инфратузилма субъектларини ривожлантириш орқали доимий янги ишчи ўринларини ташкил қилиш ҳисобланади.

Шунингдек, мамлакат раҳбари “фақат бугунни эмас, балки эртанги кунни ҳам ўйлаб, узоқни кўзлаб ислоҳотларни янги босқичга кўтариш..... Шу мақсадда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020—2030 йилларга мўлжалланган стратегияси ишлаб чиқилганлиги, «бир маҳалла — бир маҳсулот» тамойили асосида жойларда логистика хизмати ва кооперация тизимини кенг жорий қилиш лозимлиги”³⁵ни қайд этди.

Миллий дастур ва 2020—2030 йилларга мўлжалланган стратегия мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга йўналтирилган муҳим ва ўта долзарб ҳужжатлар ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётида муҳим ўринни эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати раҳбарлигида иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштириш борасида йирик, кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширилиб, бунда энг аввало:

- қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан, жумладан суғориладиган, лалми, яйлов ва ўрмон ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

- моддий ва табиий ресурслардан фойдаланишда ресурстежамкор ҳамда инновацион технологияларни қўллашни иқтисодий рағбатлантириш, ресурс сарфи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш миқдорини ошириш;

- қишлоқ хўжалигида инвестицион муҳитни яратиш, шаффоф инвестицион шароитларни шакллантириш, замонавий инновацион технологияларни жалб қилиш асосида экспорт салоҳиятини ошириш;

- “ишлаб чиқариш-фан-инновацион технологиялар” тизимида ҳамкорликни шакллантириш, амалиётга илм-фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни самарали жорий этишнинг жозибадор муҳитини яратиш;

³⁵ Шавкат Мирзиёев қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган йиғилиш ўтказди. <https://daryo.uz/k/2019/09/06/shavkat-mirziyoyev-qishloq-xojaligini-rivojlantirishning-ustuvor-yonalishlariga-bagishlangan-yigilish-otkazdi/>

- замонавий логистика тизимини бунёд қилиш, инфратузилма субъектлари фаолиятини модернизациялаш орқали хизмат кўрсатиш, иш бажариш ва таъминот корхоналари фаолиятини ривожлантириш;

- аҳолининг меҳнатга қобилиятли, айниқса ёшларни доимий иш билан таъминлаш ва бошқа шу каби тадбирларни амалга ошириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Республика ҳукуматининг қарорлари ҳамда фармойишлари қабул қилиниб, уларда мақсадли “Йўл хариталари”, тадбирлар, дастурлар ва концепциялар тасдиқланиб, ишлаб чиқаришга жорий қилинмоқда.

МҲТИ мутахассислари 2017-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни таҳлил қилди.

2020-2030 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясининг тасдиқланиши, кластер тизимининг жорий этилиши, савдонинг эркинлаштирилиши ва экспортнинг рағбатлантирилиши, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларнинг ижарага (иккиламчи ижарага) берилиши, сув тежовчи технологиялар қўлланилганда субсидияларнинг тақдим этилиши, АКИС агрохизматлар марказининг очилиши ва бошқалар шулар жумласидандир.



1-расм. Қишлоқ хўжалиги соҳасини қўллаб-қувватлаш³⁶

Яратилган имкониятлар мамлакатда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатди. Шундай қилиб, пахта

³⁶ O'zbekiston Respublikasi qishloq xo'jaligini rivojlantirishning 2020 — 2030-yillarga mo'ljallangan yillik hisobot

ҳосилдорлиги 2017-йилдаги 23,8 центнердан (гектарига), 2023-йилда 36,0 центнерга, ёки 1,5 бараварга, буғдой ҳосилдорлиги 42,2 центнердан 47,8 центнерга ёки 13,3 фоизга ошди.

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотида қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларнинг улуши босқичма-босқич ошиб бормоқда. Агар 2017-йилда уларнинг улуши атиги 2,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2023-йил охирига келиб бу кўрсаткич 7,1 фоизга етди.

Савдони эркинлаштириш ва экспортни рағбатлантириш билан боғлиқ қонунчиликдаги ўзгартиришлар 2017-2023 йилларда мева-сабзавотлар экспортини 1,8 баробарга, яъни 645,6 миллион АҚШ долларидан 1 180,8 миллион АҚШ долларигача ошириш имконини берди.

“Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида пахта ҳосилдорлигини гектарига 45-50 центнерга, ғалла ҳосилдорлигини 80-85 центнерга етказиш вазифаси қўйилган.

Стратегияда фермер ва деҳқон хўжаликларини янада қўллаб-қувватлашга ҳам катта аҳамият берилган. Хусусан, деҳқон ва фермерларга суғурта мукофотининг 50 фоизини субсидиялаш тизимини жорий этиш, барча субсидияларни “бир қадам” тамойили асосида “Агросубсидия” ягона платформаси орқали тақдим этиш режалаштирилган.

Хулоса ўрнида шунини айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати раҳбарлигида иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштириш борасида йирик, кенг кўламли ислохотларни амалга оширилиб, бунда энг аввало:

- қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан, жумладан суғориладиган, лалми, яйлов ва ўрмон ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

- моддий ва табиий ресурслардан фойдаланишда ресурстежамкор ҳамда инновацион технологияларни қўллашни иқтисодий рағбатлантириш, ресурс сарфи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш миқдорини ошириш;

- қишлоқ хўжалигида инвестицион муҳитни яратиш, шаффоф инвестицион шароитларни шакллантириш, замонавий инновацион технологияларни жалб қилиш асосида экспорт салоҳиятини ошириш;

- “ишлаб чиқариш-фан-инновацион технологиялар” тизимида ҳамкорликни шакллантириш, амалиётга илм-фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни самарали жорий этишнинг жозибадор муҳитини яратиш;

- замонавий логистика тизимини бунёд қилиш, инфратузилма субъектлари фаолиятини модернизациялаш орқали хизмат кўрсатиш, иш бажариш ва таъминот корхоналари фаолиятини ривожлантириш;

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Abdulloyev, A. (2023). Methodological foundations for evaluating the efficiency of agrocluster management. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 42(42).

2. Abdulloyev, A. (2023). АГРОКЛАСТЕР ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШНИНГ “БАЗАВИЙ” МОДЕЛИ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 42(42).

3. Junaydulloyevich, A. A., & Rasulovna, K. N. (2021). Price Formation in Marketing: A Tool for Price Formation and Change. *Academicia Globe*, 2(6), 142-146.

4. Таирова, М. М., & Дустова, А. К. (2020). Роль гостиничных сетей в индустрии туризма. In *Прорывные научные исследования: проблемы, закономерности, перспективы* (pp. 57-59).

5. Gafurova, S. K. (2023). Quality Management In Education: A Systematic Approach. *Educational Research In Universal Sciences*, 2(17 SPECIAL), 126-129.

6. Niyozova, I. (2021). The Transition to the Green Economy and the Importance of Strategy. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 8(8).

7. Niyozovna, N. I. (2023). Ways to Increase the Competitiveness of Enterprises through Digital Marketing Strategies. *European journal of business startups and open society*, 3(12), 154-157.

8. Таирова, М. М., & Гиязова, Н. Б. (2016). Поддержка предпринимательской деятельности в Узбекистане. *International scientific review*, (2 (12)), 105-107.

9. Таирова, М. М., & Кодирова, Н. Р. К. (2020). Инновация-концептуальная основа модернизации. *Наука и образование сегодня*, (2 (49)), 35-36.

10. Qayimova, Z. (2023). Ways to Develop Economic Infrastructure in Uzbekistan. *Центр Научных Публикаций (Buxdu. Uz)*, 27(27).

11. Kadirovna, S. N. (2024). Importance of Foreign Experience for Uzbekistan in the Transition to a Green Economy. *EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY*, 4(4), 48-51.

12. Giyazova, N. (2023). The share of world countries in the textile industry and the importance of marketing in its development. Центр Научных Публикаций (Buxdu. Uz), 27(27).

13. Niyozova, I. (2023). The Reforms Implemented In The Higher Education System Of The Republic Of Uzbekistan And Their Achievement Of Financial Independence. Центр Научных Публикаций (Buxdu. Uz), 38(38).

14. Таирова, М. М., & Гиязова, Н. Б. (2016). Поддержка предпринимательской деятельности в Узбекистане. International scientific review, (2 (12)), 105-107.

15. Таирова, М. М., & Кодирова, Н. Р. К. (2020). Инновация-концептуальная основа модернизации. Наука и образование сегодня, (2 (49)), 35-36.

16. Таирова, М. М., Абдуллаев, А. Ж., & Гиязова, Н. Б. (2016). Особенности маркетинга в агропромышленном комплексе. In Современное экологическое состояние природной среды и научно-практические аспекты рационального природопользования (pp. 3871-3873).

17. Niyozova, I. (2021). Mechanism of Implementation of Mandatory Health Insurance in Uzbekistan under Conditions of Increasing Integration Processes. Центр Научных Публикаций (Buxdu. Uz), 7(7).

18. Odinayeva, N. F., Bakayeva, M. A., & Giyazov, B. B. (2022). Intellectuals with Higher Education in the Economy and Ways to Increase their Competitiveness. Miasto Przyszłości, 84-86.

20. Navruz-Zoda, L. B., & Navruz-Zoda, Z. B. (2020). Improvement Of Social Prestige Of Entrepreneurial Companies In Bukhara Region. Academy, (3), 37-39. 7. Usmanova, A. B. (2022). Sport Tourism As A Sport And Form Of Activity. European Journal Of Innovation In Nonformal Education, 2(1), 212-214.

21. Усманова, А. (2022). The Current State And Analysis Of The Tourist Potential Of The Bukhara Region. Центр Научных Публикаций (Buxdu. Uz), 15(15).

22. Navruz-Zoda, Z. (2023). Development Of Self-Employment Of The Population As A Factor Of Ensuring Economic Stability. Центр Научных Публикаций (Buxdu. Uz), 33(33).

23. Rakhmatullaeva, F. M., & Aminova, N. B. (2022). Methodological Approaches To The Development Of Ecological Tourism Logistics. European Journal Of Innovation In Nonformal Education, 2(1), 207-211. 22. Dustova, A. (2022). Stimulating The Economic Growth Of Territories Through The

Development Of Regional Tourism. Центр Научных Публикаций (Buxdu. Uz), 12(12).

24.Xasanova, S. (2023). Analysis of the Work Carried Out in Uzbekistan and the World to Prevent Tax Violations. EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION, 3(12), 47-50.

25.Хаирова, Д. Р., & Сайфуллаева, М. И. (2021). Тенденции развития цементной индустрии в Узбекистане. Бюллетень науки и практики, 7(6), 358-362.

26.Сайфуллаева, М. (2023). РАЗВИТИЕ СТРОИТЕЛЬНОЙ ОТРАСЛИ БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ КАК ФАКТОР СТАБИЛЬНОГО РОСТА. Nashrlar, 368-371.

27.Qayimova, Z. (2023). Theoretical Aspects of the Development of the Socio-Economic Infrastructure of the Country. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 27(27).